

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 август куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Марказий Қўмондонлиги қўмондони Дэвид Петреусни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларни янада ривожлантиришга муҳим аҳамият беришини ҳамда ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқли шериклик тамойиллари асосида икки ва кўп томонлама самарали ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини таъкидлади.

Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклаш ишларида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатимиз ҳудуди орқали Афғонистонга ноҳарбий ва гуманитар юклар етказиб берилмоқда.

Д. Петреус самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди ва АҚШнинг ҳозирги маъмурияти Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. У шунингдек, Афғонистонда барқарорликни мустақамлаш ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга Ўзбекистон муҳим ҳисса қўшаётганини қайд этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон – АҚШ муносабатларининг истиқболига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди. **Ў.А.**

ХЮГ ПЕРНЕ:

ЎЗБЕКИСТОН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРМОҚДА

Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида Франция Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фовкүлодда ва мухтор элчиси Хюг Перне билан суҳбатлашдик.



– Элчи жаноблари, аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқбол ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Ўзбекистон билан Франция ўртасида кенг қамровли муносабатлар қарор топган. Изчил ва амалий ҳамкорлик тамойиллари асосида қурилган бу алоқалар юксак самаралар бермоқда. Ҳамкорликни янада мустақамлашда икки давлат ўртасидаги дўстона муносабат ва кўп жиҳатдан ҳамфикрлик муҳим омил бўлаётди. Франциянинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Пьер Лелушнинг жорий йил июнь ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғидаги учрашувларда Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги муносабатлар билан бир қаторда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида ўзаро ҳамкорликка оид масалалар юзасидан атрафлиқ фикр алмашилди. Ташриф давомида эришилган келишувлар, шубҳасиз, икки томоннинг имкониятларини янада тўлиқ ва кенгроқ ишга солишга хизмат қилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар сиёсий соҳада бўлганидек,

савдо-иқтисодий ва гуманитар йўналишларда ҳам жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Франция қурилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, саноатнинг қатор тармоқларида улкан салоҳиятга эга. Ўзаро алоқаларимизни барча йўналишларда кенгайтириб, мустақамлаб боришни истиқболли порлоқдир.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон эзгу мақсад йўлида кенг кўламли ислохотларни собитқадамлик билан изчил амалга оширмоқда.

– Яқинда Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи кенг нишонланган...

– Ҳа, Ўзбекистон халқи қўшабоқ байрам – Истиқлолнинг 18 йиллиги ва Тошкентнинг 2200 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турибди. Шу муносабат билан пойтахтингизни янада ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўляпмиз. Бу юбилей Тошкентнинг, хусусан, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи янада ошишига хизмат қилаётди. Мазкур санани катта тантана билан нишонлашга тараддуд қўрилайётгани ўзбек халқининг ўз тарихига юксак ҳурматидан далолатдир.

Ў.А. муҳбири
Мадина УМАРОВА
суҳбатлашди.

Қишлоқ мулкдорлари



ЕРНИ ФЕРМЕР ЯШНАТАДИ

“Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин”, деганлари бежиз эмас. Ер ҳақиқий деҳқоннинг қўлига топширилса, ризқ-рўз манбаи эканлиги амалда бўёвга чиқади. Бу – ўзбек фермерлари исбатлаётган ҳақиқат.

Паркентлик Мирдовуд ота 80 йилдан зиёд умрининг асосий қисмини зироатчиликда ўтказди. Қишлоқ хўжалигида нимаики юмуш бўлса, ҳаммасини бошидан кечирди. Оддий меҳнатчи,

ижарачи, бригада бошлиғи, ферма мудир...

Саксондан осонганига қарамай, ҳамон ҳаракатда. Бугунги “лавозими” – ўғилларига маслаҳатчи. Ота касбини олган

ўғилларидан бири – Мирсултон Ғуломов туманда таниқли фермерлардан. Яна бир ўғли – Мирали Ғуломов шу фермер хўжалигида иш юритувчи. Бу лавозим албатта керак. Чунки, хўжалиқнинг ери 36

гектар. Сабзавоткор фермер учун бу оз эмас. Қолаверса, 30 дан зиёд ижарачи бор. Уларнинг ишини тартиб билан бошқариш керак бўлади.

(Давоми 3-бетда).

СУРАТДА: Мирдовуд ота набиралари даврасида.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Истиқлол иншоотлари

Янги ўқув йили арафасида вилоятимиздаги касб-хунар коллежлари яна биттага қўяйди. Ўртачирчиқ туманидаги баҳаво Тошкент денгизи яқинида янги педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежи қуриб, фойдаланишга топширилди.

– Ўтган йилнинг ноябрида иш бошлаган эдик, – дейди “Бинокор қурилиш таъминот” хусусий корхонаси бошлиғи ўринбосари Отаниёз Исмолов. – Ушбу объект мустақиллик иншооти бўлгани боис, қурилиш суръати билан бирга сифати ҳам жиддий эътибор бердик. Айтиш мумкин, 2 миллиард 380 миллион сўм маблағ сарфланган коллеж ёшларнинг ҳар жиҳатдан пухта таълим-тарбия олишлари учун зарур шарт-шароитларга эга.



ЎН ОЙ КИФОЯ ҚИЛДИ

Ҳақиқатдан ҳам янги коллежда ёшларнинг ўзлари ёқтирган касб-хунарларни пухта эгаллашлари ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча қулайликлар яратилган. Компьютер-ахборот хонаси, лингафон, физика, кимё ва биология кабинетлари зарур ўқув ускуналари билан жиҳозланган. Катта ёпик залда ёшлар ўндан зиёд спорт тури билан шуғулланишлари мумкин.

– Янги коллежимизга 390 ўқувчи қабул қилинди, – дейди директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Олимжон Турсунов. – Ўттиздан зиёд олий малакали педагоглар уларга бешта йўналиш, яъни бошлангич



таълим, мактабгача таълим, жисмоний тарбия ва болалар спорт, бухгалтерия ҳисоб-китоби, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича сабоқ берадилар.

Таъкидлаш жоизки, ушбу замонавий коллеж хали фаолият бошламасиданоқ бир қатор туманлар ёшларининг эътиборини жалб эта бошлади. Жумладан, янги ўқув йилидан коллежда таҳсил оладиган ёшлар орасида Пискент, Бўка, Оккўрғон ва Бўстонлик туманлари вакиллари ҳам бор.

СУРАТЛАРДА: коллежнинг очилиш тантаналари.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ҚАҲРАМОНДА ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Зангиота туманидаги «Қаҳрамон» маҳалласида ижтимоий инфратузилма жадал ривожланиб бораётди.

Шу кунларда бу ерда янги савдо, умумий овқатланиш ва майиш хизмат кўрсатиш корхоналари, дорихона, автомашиналарни созлаш устaxonаси қурилиши қизгин давом этмоқда.

Ўқувчининг БАДИЙ КОМПОЗИЦИЯСИ

Янгибозор истирожат бонди Юқориқирчиқ тумани мактаб ўқувчилари ёзган таътил кунларида ясаган ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаси ташкил этилди.

Унда 4-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Нодир Йўлдошевнинг ижод маҳсули – мураккаб бадий композиция ўзининг нафислиги, нодирлиги билан кўпчилиқнинг эътиборига тушди.

Жўрабек МУРДОВ.

БАЙРАМЛАР ФАЙЗИ ОРАСТАЛИКДАН



Юртимизнинг қай гўшасига борманг, бугун катта тўй тараддуди устидан чиқасиз. Халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини катта тайёргарлик билан кутиб олмақда. Одатда, байрамлар олдиндан теварак-атрофи яна бир бор тартибга келтириш, юртимиз кўрғига кўрк қўиш, ўзаро меҳр-оқибат ришталарини мустақамлаш мақсадида ҳашар ўтказиш хайрли анъанасига айланган. Бутун диёримизда бўлгани каби 15-16 август кунлари ташкил этилган умумхалқ хайрия ҳашари вилоятимизда ҳам уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

(Давоми 2-бетда).

2010 йил учун обуна бошланди

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ газетасининг индекси – 205.

Кўчмас билан қилинган тегишли суд ижроҳлари булимининг бақили шийирокда бевосита жойига чиқариб қўйишнинг имконияти бўлади. Ақшундан саволлариди шийирок эгитиш учун талабдорлардан аризаларни қабул қилиш ақшундан саволдига бир кун кўлданда тўхта тўлиди.

Ақшундан саволлариди қатнашиш учун талабдорлар савол ташкилотлиги билан тўлиданда қатнаш қилишуга асосан, мулк бошлангич бақанининг 10 фойиздан кам бўлмаган шийирокда зақат тўлиди, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва сана сани кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИББ "Ипайи ақшундан савол"ни Сабгон ф-даги қўлига шийирок рақамиди тўлишлари шийирок: 20210000300571452114 МФО 01036, ипайи: 009933850.

Қўлигади автотранспорт саволдига ақшундан саволдан олинидангитиш маълум қилиди: Қўлигади умани СИБ томондан тақдим қилинган ва Тошкент ҳақиқати "ва Ташкентдаги правала" газеталарининг 11.07.2009 йилдаги 55-сониди ҳам этилган хабарномалар билан ақшундан саволдига чиқарилган "Қамзаз-53321" рўсулди, д/р 11912500 бўлган автотранспорт саволдига ақшундан саволдан олиниди. Саволдан олиниша асос: Қўлигади умани СИБнинг 10.08.2009 йилдаги 11-28/СИБ-7.09-сонли хатли Мағизли: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Урабзоков қўлиди: 1-А в. Тел.: 228-79-57, www.rkmh.uz

Ниҳол - 2009

Шеърят

Мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг эзгу орзу-умидларини рўйга чиқариш, иқтидор ва қобилиятини шакллантириш мустақиллик йиллари давлат эътиборига молик масалага айланди. Хусусан, Президентимиз томонидан ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофотининг таъсис этилиши ва ҳар йили анъанавий тарзда энг улуг, энг азиз айём – Ватанимизнинг мустақиллик байрами арафасида санъат соҳасида изланаётган иқтидорли ёшларга тантанали тарзда топшириладигани ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Пойтахтимиздаги муҳташам "Истиқлол" санъат саройида мазкур мукофотни унинг бу йилги совриндорларига тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.



ЮРТ ИСТЕЪДОДЛАРНИ ҚАДРЛАЙДИ

эришгани, яна уларнинг бир қанчаси эл суйган санъаткорлар бўлиб етишадигани фикримиз далилидир. Қувонарли жиҳати, бу йилги "Ниҳол" мукофоти совриндорлари орасида вилоятимиз вакили, қибрайлик ёш, умидли хонанда Мирхон Миромилов ҳам бор. Давлатимизнинг нуфузли мукофоти топшириладиган чоғда имкон топиб, Мирхондан суҳбатга тортидик.

– Бугун мен юртимизнинг энг бахтиёр ёшлариданман, – деди Мирхон катта ҳаяжон ва мамнуният билан. – Санъатга бўлган ҳавасим, иштиёқим, камтарона изланишларим давлатимиз томонидан мен кут-

маган даражада юксак баҳоладим. Мен дунёда истеъдодли ёшлар жуда кўп бўлса керак, деб ўйлайман. Лекин, дунёнинг бирор жойида ёшлар учун биздагидек эътибор ва ғамхўрлик борлигини тасаввур қилолмайман. Шу сабабли мен бу мукофотни тўлалигича масъулият, деб тушунаман.

Дарҳақиқат, оилавий санъат муҳитида камол топиб, болаликдан қўшиқ куйлаб, катта-кичик тадбирлар, танловларда ҳаммага муносиб баҳо олиб келган Мирхон бугун нафақат вилоятимизнинг, балки бутун мамлакатимизнинг энг истеъдодли ёшларидан бири сифатида эътироф этилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, унинг эришган буюм-афакати кейинги пайтларда вилоятимизда маънавият, маданият, санъат соҳалари ривожига катта эътибор қаратиладиганидан далolatдир. Хусусан, вилоят Маданият ва спорт ишлари босқармаси мазкур мукофот танловининг саралаш босқичларини юқори даражада ташкил этиб, унда энг муносибларни танлаб олинишига жиддий ёндашгани ўз самарасини берди.

– Бу мукофот мени жуда катта ижодий режалар сари бошлаши аниқ, – дейди Мирхон сўзи якунида, – Шу жиҳатдан мен уни ҳозирги эмас, балки келгуси ижодимга берилган баҳо

сифатида қабул қиламан. Чунки, бундай нуфузли мукофотни оқлаш, унга муносиб бўлиш учун жуда кўп изланишим, ўқиб-ўрганишим лозим.

Ха, ўша кунги файзли оқшом сўнгида бу йилги мукофот совриндорлари биргаликда ижро этган "Ниҳол" мадҳиясида шундай сатрлар бор эди:

Ниҳолим, ўс, улкан
даракхга айлан:
Санъат доврғини
таратғувчи бўл,
Шу элнинг қорига
ярағувчи бўл...

Мирхондаги тилагимиз – ҳаммаша шу эъзоз ва эътиборга муносиб бўлиб юрсин.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

СУРАТДА: Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо Мир-ижода «Ниҳол» мукофотини топшираётган пайт.

Даврон АХМАД
олган сурат.

Тошкент вилояти Давлат педагогика олийгоҳи томонидан 1993 йилда Дадоматов Шавкат Тухтасунович номига берилган ФВ 979227 (кайд рақами 8925) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Частное предприятие "EVEREST POLIGRAF", зарегистрированное в отделе государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирзо Улугбекского района г. Ташкента (ИНН 300645502), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение директора Мирсагидиевой Д. У. № 4 от 17.08.2009 г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 294-73-60.

В соответствии с решением учредителя за № МEGA MD.4 от 15.08.2009 года принято решение о присоединении общества с ограниченной ответственностью "AMEGA BW GROUP" к иностранным инвестициям (ИНН 301276541) к ИП ООО "SHAN TEKSTIL" (ИНН 205878837).

Заявление с требованиями и претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по адресу: г. Ташкент, С. Рахимовский район, ул. Келес йули, д. 166 или по тел.: (+99899) 125-52-17.

ЧП «MONIRAXON DAVR» (ИНН 205140514) реорганизуется в ООО «MONIRAXON DAVR».

Претензии принимаются по адресу: Ташкентская область, Кибрайский район, ул. Узумзор или по тел.: 266-24-25.

Янгийўл бош пиллахоначи масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Билиб кўйган яхши

РЕКОРДАЛАР КИТОБИНИНГ МУАЛЛИФИ

Кўплар "Гиннес рекордлар китоби"га, унинг қачон пайдо бўлгани, қайси мамлакатда, қандай одамлар асос солганига қизиқишади. Ирландиядаги "Гиннес" пиво заводи директори Хью Бивер 1951 йил 4 майда ўз ўртоқлари билан овга йўл олади. Бораётганда, улар ўртасида баҳс туғилади: "Оврунда қайси қўш энг тез учадди, тилла рангли лойхураки ё шотланд карчигайми?" Бундай аниқликларни ўз ичига

олиган рисола ўша вақтда йўқ эди. Шу тўғрисида бундай баҳслар тез-тез туғилиб турарди. Тортишув чоғи Хьюнинг миясига шундай маълумотнома-справочники яратиш фикри келиб қолди. Уни амалга оширишни Лондон ахборот агентликларининг эгалари ака-ука Норрис ва Рос Макуитерларга биорди.

1954 йили пиво корхонаси қарамогига китобни чоп этиш учун махсус компания тузилди. Ниҳоят, 1964 йил август ойида улар китобнинг дастлабки намунасини яратишди. Унинг 1000 нусхаси текинга тарқатилди. Ти-жорат мақсадларида яратилган китоб бир йилдан сўнг 27 августда тайёр бўлди. Рождество бай-

рами кунлари китоб тез тарқалиб кетди. Бир йилдан сўнг у АКШда 70 минг нусхада тарқалиб, жаҳонни лол қолдирди. Кейинчалик ҳар йили октябрь ойида китобни қайта чоп этиш аънава бўлиб қолди. Кўп йиллар бу иш ака-ука Макуитерлар томонидан амалга ошириб келинди. Улар жуда катта билим ва хотирага эга

эдилар. Бу хусусиятларини "Рекордчилар" телеэшитиришида тасдиқлагандилар. Кўрсатув жараёнида улар мухлисларнинг энг чигал саволларига ҳам тўғри жавоб берганлар. Лекин афсуслар бўлсинки, Рос Макуитер 1975 йили ирландиялик террорчи қўлга ўлим топди. Шу тўғрисида босмахоначи аканинг яққа ўзи

бошқара бошлади. Кейинчалик китобни чоп этиш ҳуқуқи бир неча бор сотилди. Ниҳоят, 1995 йили китобнинг тизими ҳам ўзгарди. У чиройли безатилган альбомга айлантирилди. Ҳозир у 100 миллион нусхада, 100 та мамлакатда, 24 тилда чоп этилмоқда. Уни энг кўп сотилаётган китоб деса бўлади.

Тоҳир ИБРОХИМОВ
тайёрлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот
босқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Хуршида НАЗАРОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ